

АРМАНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

www.sarm.am

сайт материаллари бўйича

Стандартлаштириш

Арманистон Республикасида стандартлаштириш ишлари [Арманистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” ги қонуни](#)га мувофиқ ЁАЖ «Стандартлар Миллий Институти» томонидан амалга оширилади.

Арманистон Республикасида стандартлаштириш бўйича амал қилинаётган меъёрий ҳужжатлар:

- қоидалар, стандартлаштириш йўриқномаси;
- миллий стандартлар,
- техник шартлар,
- техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот классификаторлари,
- ташкилот стандартлари.

Стандартлаштириш миллий тизими Бутунжаҳон савдо ташкилоти доирасида қабул қилинган “Савдодаги техник тўсиқлар тўғрисида” ги Битимда белгиланган стандартларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва қўллаш амалиёти (кодекси)га мувофиқдир.

Армстандартнинг расмий сайтида <http://www.sarm.am/ru/standarts>, Арманистон Республикасида амал қилаётган миллий стандартлар (АСТ), ҳалқаро стандартлар (ИСО), европа стандартлари (ЕН), давлатлараро стандартлари (ГОСТ) ва Россия Федерациясининг миллий стандартлари (ГОСТ Р), техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборот классификаторлари (АК) ва АР техник шартлари ҳақида маълумотларни олиш мумкин.

Мувофиқликни тасдиқлаш

ЁАЖ Стандартлар Миллий Институти [АР “Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида”ги Қонунига](#) мувофиқ ўзининг аккредитлаш доирасида қуйидаги ишларни амалга оширади:

- маҳсулотларни сертификатлаш;
- маҳсулотлар мувофиқлиги ҳақидаги декларацияларни тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш;
- ҳорижий сертификатларни тан олиш ва қайта расмийлаштириш.

Мувофиқликни тасдиқлаш мажбурий ёки ихтиёрий бўлиши мумкин.

Мувофиқликни ихтиёрий тасдиқлаш объектлари – бу маҳсулот, хизматлар, сифат ва экологияни бошқариш тизими, ва ходимлар.

Мувофиқликни ихтиёрий тасдиқлаш мувофиқлик сертификати сертификатлаш сифатида ўтказилади.

Мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш мувофиқ схемалар бўйича мажбурий сертификатлаш ва мувофиқликни декларация қилиш сифатида амалга оширилади. Қўлланилаётган мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш схемалари ва

улар белгиланишининг идентификациясини Арманистон Республикасининг ҳукумати белгилайди.

Мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш объектлари – муомаладаги маҳсулот ва хизматлар бўлиши мумкин, уларнинг рўйхати [28.08.2008 йилдаги 976-Н-сонли АР ҳукуматининг қарорида белгиланган.](#)

Мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш схемалари – маҳсулотлар (хизмат)нинг техник регламентларига мувофиқ аниқланади. Декларация ва сертификат, мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш схемаларидан қатъий назар тенг юридик кучга эга.

Сертификат амал қилиш муддати 3 йилдан ошмаслиги керак. У мувофиқликни ихтиёрий тасдиқлаш ҳолатида сертификатлаш органи томонидан ва мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш ҳолатида техник регламенти томонидан белгиланади.

Мамлакат ва ҳорижий маҳсулотлар мувофиқлигини тасдиқлаш бир хил шакл ва схемалар билан амалга оширилади (Арманистон Республикасининг “ Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида” ги қонуни, 8 модда, 5 бўлим).

БСТ нинг ахборот маркази

Бутунжаҳон савдо ташкилоти доирасида қабул қилинган “Савдодаги техник т• сиқлар тўғрисида” ги Битимининг талабларига мувофиқ техник регламентлар, стандартлар, мувофиқликни тасдиқлаш процедуралари ҳақидаги ахборотни таъминлаш мақсадида Стандартлар миллий институтида БСТ нинг ахборот маркази ташкил қилинди, унинг мақсади маҳсулотни олиб кириш ва чиқишга кўмаклашиш ва савдода техник т• сиқларни бартараф қилишдан иборат.

БСТ нинг ахборот маркази қуйидаги функцияларни бажаради:

- Арманистон Республикасида амал қиладиган мувофиқликни тасдиқлаш процедуралар ҳақида ва миллий стандартларнинг белгиланган маҳсулотларининг техник регламентларига оид БСТ мамлакатлари аъзоларидан қабул қилинган саволларга жавоб тайёрлаш ва жавоб юбориш;
- ташкилотлар, Арманистон Республикаси корхона эгалари учун БСТ га аъзо мамлакатларда амал қиладиган техник регламентлар, стандартлар, мувофиқликни тасдиқлаш процедуралари ҳақида саволлар тайёрлаш ва зарур ахборотни етказиш.